

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

2:2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

<b>Қ.Юлчиев</b>	
Ўзбек шеъриятида лирик хронотопнинг ривожи .....	77
<b>Г.Орипова</b>	
Мустақиллик даври ўзбек шеъриятида халқ оғзаки ижоди анъаналари ва ўзига хосликлар .....	82
<b>А.Акбаров</b>	
Немис адабиётида Абулқосим Фирдавсий қисматининг бадиий талқинларига доир.....	87

---

## ТИЛШУНОСЛИК

<b>Ш.Турғунов</b>	
Наманган болалар фольклорида доимий ўйинлар ва уларнинг локал хусусиятлари.....	92
<b>А.Бердиалиев</b>	
Тил бирликлариаро парадигматик ва синтагматик муносабатлар масаласига оид мулҳазалар.....	96
<b>М.Абдулпаттоев, С.Зокирова</b>	
Конгруэнтлик ҳодисаси ва унинг контрастив лингвистикадаги ўрни .....	101
<b>Д.Ашурев</b>	
“Алпомиш” достонида қўлланилган ўхшатишларнинг лингвокультурологик хусусиятлари .....	104

---

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Д.Саимназарова</b>	
Чет тилда матнни идрок этиб тушуниш хусусида .....	108
<b>А.Асимов, М.Ғофурова</b>	
Масаланинг қисқа ёзуви устида ижодий ишлаш .....	111

---

## ИЛМИЙ АҲБОРОТ

<b>Т.Шадманов</b>	
1917-1941 йилларда Ўзбекистонда зичлаш ва зичланиш уй-жой муаммосини ҳал қилиш шаклларидан бири сифатида .....	115
<b>С.Маннопов, А.Қамбаров</b>	
Фарғона-Тошкент мақом йўналишининг фалсафий масаласига доир .....	118
<b>С.Содиков</b>	
Фуқаролик жамиятига доир мумтоз назарияларнинг ривожланиши .....	120
<b>Н.Усмонов</b>	
Урбанизация ва ижтимоий ривожланиш .....	123
<b>Н.Махмудова</b>	
Исломий қоидаларнинг бадиий талқини .....	126
<b>Ж.Дилмуров</b>	
А.Ж.Крониннинг «the citadel» асарини инглиз тилидан ўзбек тилига ўгириш муаммолари .....	128
<b>Н.Эргашева</b>	
Инглиз тили Америка варианти грамматикасининг айрим хусусиятлари .....	130
<b>Н.Хошимова</b>	
Ассоциациялар индивидуаллигининг ташқи омиллари .....	134
<b>Р.Абдуллаева</b>	
Когнитив тушунчалар ва уларнинг мазмун-моҳияти .....	137
<b>Л.Тешабоева</b>	
Ўзбек ва инглиз адабиётида рамзий маъно ҳамда унинг хусусиятлари .....	140
<b>Г.Эшбекова, Г.Ҳамроқулова</b>	
Тарих фанини ўқитишда ишчи дафтардан фойдаланишнинг аҳамияти .....	142
<b>Д.Абдурахмонова</b>	
“БОБУРНОМА”нинг янги немисча таржимаси хусусида .....	145

## ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

<b>Фидой олим</b> .....	148
<b>БИБЛИОГРАФИЯ</b> .....	150

УДК: 41+2+371.212

## ИСПЛОМИЙ ҚОИДАЛАРНИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНИ

Н.Махмудова

*Аннотация*

Мақопа Алишер Навоийнинг испом дини қонун-қоидаларини шеърий шархловчи “Сирож-ул муслимин” асари таҳлилига бағишиланган . Шунингдек, унда асарнинг яратилиш тарихи, даври, муҳити ҳақида сўз боради.

*Аннотация*

Статья посвящена анализу произведения Алишера Навои “Сирож-ул муслимин”, в стихотворной форме комментирующего законы ислама. В ней также речь ведется об истории, времени и атмосфере создания произведения.

*Annotation*

This article is devoted to analyse poetic comments “Siroj-ul muslimin” of Alisher Navai . Moreover given the history of creation, period and atmosphere.

**Таянч суз ва иборалар:** дин, испломий таълимот, пир, муршид, диний арбоб, дарвеш, сўфий, мурид, шайх, шариат, испломий қадриятлар, тоат-ибодат, Ҳақ йўли.

**Ключевые слова и выражения:** религия, учение ислама, духовный наставник, муршид, религиозный деятель, дервиш, суфий, мурид, шейх, шариат, исламские ценности, богослужение, божественный путь.

**Key words and expressions :** religion, islamic edication, ecclesiastic preceptor, disciple, religios of science, dervish, sufify, follower, sheykh, islamic religious law, islamic values, divine service, god way.

Ўзбек мумтоз адабиёти тарихида ҳам дин тарихи, ҳам пайғамбарлар ҳаёти, ҳам исплом дунёсининг алломалари ҳаётига бағишиланган маҳсус асарлар яратилган. Носируддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарини эсга олсақ, унда олам яралишининг диний-фалсафий талқинларидан тортиб, исплом динининг юзага келиши, машҳур пайғамбарлар ҳаётидан ибратли лавҳалар бадиий акс эттирилган. Бу, ўз навбатида, мазкур мавзунинг кейинги даврлар адиллари томонидан анъанавий давом эттирилиши, турли жанрлардаги асарларда диний-илоҳий қарашларнинг бадиий ифодаланишига кучли туртки берди.

Халқимиз ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихида алоҳида ўринга эга бўлган, ахлоқий-маънавий қадриятлар таркибида яшаб келаётган исплом дини ва таълимоти, ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-маънавий ҳаётизизда асосий таянч бўлган тасаввуфга оид меросимиз юртимиз мустақилликка эришганидан кейин жамоатчилик ўртасида яна ўз муносиб ўрнини топа бошлади. Пайғамбар (алайҳиссалом) “Аллоҳ таоло сизга Исломни дин этиб ихтиёр этди. Уни гўзал хулқ ва саховат билан эъзозланг. Чунки Ислом фақат шу икки хислат билан мукаммал бўлади”, деганлар. Дарҳақиқат, Ислом дини кўнгилни юмшатгувчи, икки дунё саодатига элтувучи диндир. Ислом дини кишиларни тинчликка, ватанпарварликка, инсонийликка, меҳр-оқибат, мурувватга чорловчи илоҳий неъмат, илм нурлари билан қалбларни нурафшон этувчи воситадир. Испломий таълимотда мўмин бандаларни Ҳақ буюрган йўлга даъват этувчи илмларнинг ўрни беқиёс бўлиб, бу илм бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини

йўқотмасдан келмоқда.

Алишер Навоийнинг “Сирож-ул муслимин” (“Мусулмонлар чироғи”) асари Ўрта асрлар Шарқ фалсафий тафаккурининг машҳур намояндаларидан бири – Хожа Убайдуллоҳ, ҳалқ орасида Хожа Аҳорори валий номи билан машҳур бўлган улуғ зот илтимосига биноан яратилган.

Хожа Аҳорор ўз даврининг машҳур пир ва муршиди, ҳалқпарвар ва маърифатпарвар диний арбобларидан бўлган. Унинг эл ўртасидаги мавқеи ва ҳурмат-эътиборини яна шу билан ҳам белгилаш мумкинки, Абдураҳмон Жомий “Нафаҳот-ул унс” асарига ўтмишда яшаб ўтган тарихий шахслар – тасаввуфнинг атоқли намояндаларини зикр этар экан, тириклигигидаёқ ана шу асардан ўрин олган ягона сиймо Хожа Аҳорор бўлган.

Хожа Аҳорор она томонидан Тошкентдаги машҳур Шайх Хованд Тоҳурга уланади. Манбалардан маълум бўлишича, отаси ҳам дарвеш ва сўфий киши бўлган. Бу зот Тошкентда туғилган бўлса-да, умрининг асосий қисмини Самарқандда ўтказади. Алишер Навоийнинг “Насойим-ул муҳаббат” асарида унинг таъсир доираси ҳақида сўз борар экан, муаллиф қуйидагиларни ёзади: “Машойихлардан ҳеч ким бул зотчалик сultonлар орасида шараф ва мамлакатда эҳтиром топмаган. Ёлғиз Мовароуннаргина эмас, Хурросон, Ироқ, Озарбайжон, ҳатто Рум ва Мисргача, бир томондан Хитой ва Ҳиндистонгача барча мамлакатларнинг хукмдорлари ўзларини Хожанинг мурид ва муҳлиси санаб, унинг ҳар бир кўрсатма ва топширикларини бажонидил адо этишар эди.” Хожа Аҳорор ҳазратлари Алишер Навоийни ҳам улуғ шоир, ҳам тадбиркор ва адолатли давлат

Н.Махмудова – Фарду филология факультети ўзбек тили ийналиши талабаси.

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

арбоби сифатида ҳурмат қилган. Навоий бу ҳақда яна айтадики: “Мен билан илтифотлари кўп бор учун ваҳй осор руқъалари била мушарраф қилиб (муборак мактублари билан менга мурожаат қилиб), ишларга маъмур қилурлар эрди (кўп хайрли тадбирларни амалга оширишимга илҳомлантирар эди).” Алишер Навоий Хожа Ахрор валийнинг шогирд ва муридларидан бир неча кишининг номини ҳурмат билан тилга олган. Улардан бири Мавлоно Қосим исмли шайх ва дарвешнинг номи ҳам “Насойим-ул муҳабbat”га киритилган. Асли Фаркат (Паркент)лик бўлган бу зот Хожа Ахрорнинг энг яқин сирдош муридларидан бўлиб, бирор ерга муҳим топшириқ билан бориш керак бўлса Мавлоно Қосим юборилган. Мавлоно Қосимнинг кароматларидан бири ҳақида тўхталар экан, Алишер Навоий мазкур зотнинг бошқалар дардини ўзига ола билиш қобилияти бўлганлигини айтади. Гап шундаки, кексайган пайтида Хожа Ахрорнинг чап биқинида санчиқ пайдо бўлиб, унга азоб бера бошлайди. Табиблар ва ҳакимлар бу хасталикнингchorасини топа олмайдилар. Шунда Мавлоно Қосим пири ва устозининг дардини Оллоҳдан ўзига сўраб олади, бир ҳафта ана шу хасталик билан оғриб, оламдан ўтади.

Мавлоно Қосим билан боғлиқ лавҳаларга тўхталаётганимизнинг сабаби шуки, у Хожа Ахрорнинг топшириғига биноан Ҳиротга келиб, Навоийга улуғ шайх ва авлиёнинг мактуб-илтимосномасини топширади. “Насойим-ул муҳабbat”да бу ҳақда шундай дейилган: “Ва Мавлоно Қосим ул наъ фоний (фариштасифат) ва мақбул (ёқимли) киши эрдиким, ани кўрган киши гирифтор бўлур эрди (мехри тушиб қолар эди). Ул жумладин бу ҳақирдирким (яъни Алишер Навоий), аларни ул ҳазрат (Хожа Ахрор) Мовароуннаҳрдин Ҳурросонга рисолат расми била (элчилик учун) юбориб эрдилар ва бу факир ҳамул келгандарида (мен Мавлоно Қосимни ўша келганида) кўруб, аларнинг волиҳи (мухлиси-шайдоси) бўлуб эрдим. Ул ишни ясаб (топшириқни адо этгач), азим эъзоз ва икромлар топиб бордилар”.

Бу лавҳалардан “Сирож-ул муслимин”нинг яратилиш тарихи оидинлашади. Хожа Ахрор Алишер Навоийдан “мусулмонлар маслаҳати” (манфаати) учун ислом дини фарз ҳамда амаллари ҳақида барча тушунадиган услубда шеърий китоб яратишини сўраб хат ёзади ва бу мактубни Мавлоно Қосим орқали

Навоий ҳузурига – Ҳиротга жўнатади. “Насойим-ул муҳабbat”дан келтирилган парчадан маълум бўладики, Хожа Ахрорнинг мазкур илтимосномаси қисқа фурсат ичидаги бажарилади, яъни туркий тилда “Сирож-ул муслимин” асари ёзилиб, тугалланади.

Исломий таълимот қадимги даврлардан бошлаб диний ва дунёвий билимларимизни тўлдиришга, ҳаётимизни тўғри йўлга солишга хизмат қилиб келмоқда. Инсоннинг руҳий-ахлоқий камол топиши, илоҳий муҳабbat ҳамда мустаҳкам эътиқод билан покланиб бориши бу таълимотнинг асосий ғоялари. Шу боис ислом динининг тарихий тараққиёти, назарий жиҳатларини тадқиқ этиш баробарида, пайғамбарлар, машҳур муҳаддислар, йирик шайхлар, авлиёлар фаолиятини ўрганиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Фикримизча, “Сирож-ул муслимин” асарининг майдонга келишига бир неча тарихий-объектив омиллар, сабаблар ҳам бўлган. Мовароуннаҳрнинг аҳолиси асосан туркий тилда сўзлашувчилар бўлган. Алишер Навоийнинг жаҳон адабиёти дурданаларини туркий тилга таржима қилаётгани ёки ўзи ҳам ана шундай адабий жавоҳирлар яратा�ётганилигидан хабардор бўлган Хожа Ахрор кенг оммага мўлжалланган туркий тилдаги ислом дини қоидалари, фарз ва амалларини шеърий йўл билан ёзиб беришини Навоийдан илтимос қилиши табиий эди.

Хожа Ахрорнинг мусулмонлик қонун-қоидалари ҳақидаги шеърий китоб ёзилишидан муддаоси Мовароуннаҳрдаги тарихий мухит ва шарт-шароит билан ҳам боғлиқдир. Хожа Ахрор сultonлар ўртасидаги ўзаро нифоқ ва зиддиятларни бартараф этиш, мусулмонларни тўғри йўл ва аҳилликка бошлаш, кўнгилларни поклаш, ўткинчи дунё ҳирсига берилмасликнинг энг яхши йўлларидан бири кишиларни тоат ва ибодатга чорлаш, Ҳақ йўлига даъват этиш, деб билган. Ҳожанинг таклиф ва илтимоси Алишер Навоийга ҳам маъқул тушган ва дарҳол китобни ёзишга киришган. Чунки Алишер Навоийнинг ўзи ҳам Ҳурросон мухитидаги аҳвол Мовароуннаҳрдан яхши эмаслигини, Ҳусайн Бойқаро саройида ҳам шариатта зид ишлар кўпайиб бораётганилигига гувоҳ эди. Шунинг учун ҳам элни Ҳақ йўлига бошлаш, исломий қадриятларни мустаҳкамлаш, аҳолининг диний билим ва тушунчаларини бойитиш улуғ шоир ва мутафаккирнинг жамият тараққиётига қўшган яна бир ҳиссаси бўлиб қолди.

### Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Сирож-ул муслимин. -Т.: Ёзуучи, 1991.
2. Болтабоев Ҳ. Мумтоз сўз қадри. -Т.: Адолат, 2006.
3. Валихўжаев Б. Узбек адабиётшунослиги тарихи. -Т., 1993.
4. Ислом динининг асослари. -Т., 1991.
5. Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. -Т.: Фан, 1993.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори.)